Туркистон ҚАҲВАХОНАСИ

# "БАЙРАМ"НИНГ БАЙРАМЛАРИ

**"Туркистон" қаҳвахонасининг навбатдаги меҳмони "Байрам" гуруҳи бўлди. "Байрам"нинг ташрифи таҳририят учун чин маънода байрамга айланди.**

Гуруҳ таркиби:
Дониёр МАМЕДОВ — гуруҳ раҳбари
Азамат САИДОВ
Равшан ҲОЖИАКБАРОВ
Акмал МАМЕДОВ

*Бом-бом,*
**Дўмбирам овозидай.**
**Бом-бом,**
**Деб уради юрагим.**
**Бом-бом,**
**Бу кўнгил созларини,**
**Бом-бом,**
**Эшитмайди малагим.**

Илк бор бу қўшиқ янграганда қўшиқсевар ёшлар "Бом-бом"нинг ашаддий мухлисига айланганди. Кўча-кўйда, ҳатто транспортларда, маҳаллаларда, мухлислар тили билан айтганда, "тўрт эгизак" нинг қўшиқлари янграрди...



Олти йилдирки, "Байрам" гуруҳи янги қўшиқлари, клиплари билан ёшларнинг севимли гуруҳига айланди.

**— Қаҳвахонамизга хуш келибсиз. "Байрам" йигитлари қайси қаҳвани хуш кўради.**

АЗАМАТ:
— Муҳаббат қаҳвасини (ҳазил) Nes kafeни.

**— Гуруҳингизни "Байрам" деб аталишига бирон сабаб борми?**

ДОНИЁР:
— "Байрам" номидан келиб чиққан ҳолда, борган жойимиз ҳамиша байрам бўлсин, деган маънода шу ном танланган.

АКМАЛ:
— Мухлисларимизга доим байрамона кайфият улашиш, уларни хушнуд этиш бизнинг мақсадимиз.

**— Саҳнага бир хил либосда чиқишингизнинг қандай сири бор?**

РАВШАН:
— Эътибор берган бўлсангиз, ҳаммамиз қўшиқни бирга айтамиз. Шундандир...

**— "Байрам"нинг клипларини кузатганимизда, куй-қўшиқдаги миллий руҳ клипда ҳам кузатилади. Умуман, клип сценарийларини ким ёзади?**

АЗАМАТ:
— Клипларимизни бир киши ўтириб ёзмайди. Ҳаммамиз йиғиламизда, ўртага ўз фикрларимизни ташлаймиз.

**— Яхши фикр кўпроқ кимдан чиқади?**

АКМАЛ:
— Дониёр акамдан. Бошлиқ бўлгани учунми?!

**— Гастролларга бориш, репетициялардан уйга кеч келишлар... Оилангизнинг бунга муносабати?**

РАВШАН:
— Тўғри, ҳаммамиз оилалимиз. Фарзандларимиз бор. Уйда кам бўламиз. Шунга қарамай аёлларимиз бизни тўғри тушунишга ҳаракат қилишади.

АКМАЛ
— Ўрганиб қолишган.

**— Маълумки, гуруҳ таркибида Боря исмли гитарист бор эди. Миш-мишларга қараганда, у билан уришиб қолган эмишсизлар...**

АЗАМАТ:
— Йўқ. Боря билан ўртамизда ҳеч қандай адоват ўтгани йўқ. У ҳозир "Бўстон" гуруҳининг бошлиғи. Санъатдан узоқлашмаган.

**— Қизиқувчанлик инсон характерининг негизи. Хўш, "Байрам" йигитлари кўпроқ нимага қизиқади?**

ДОНИЁР:
— Футболга қизиқаман.

АЗАМАТ:
— Балиқ боқишни яхши кўраман. Аквариумимда турли хил балиқлар бор.

РАВШАН:
— Пскентда катта еримиз бор. Бўш вақтимда бориб деҳқончилик қиламан.

АКМАЛ:
— Эрталаб эринмасам бир югуриб келаман. Бироқ, теннис ишқибозиман.

СЎНГГИ МАЪЛУМОТ:

Яқинда "Байрам" гуруҳининг "Маҳбубам" қўшиғига қилинган клип ойнаи жаҳонга чиқади.

Гуруҳнинг келажакдаги режалари кўп. Улар ҳозир мамлакатимиз мустақиллигининг 9 йиллик байрамига тайёргарлик кўришмоқда. Ниятлари, янги қўшиқларини мустақиллик арафасида мухлисларга тақдим этиш.

**"Туркистон" қаҳвахонасининг навбатдаги меҳмонлари Озода Нурсаидова, Равшан Собиров, "Сетора", "Аср" гуруҳлари ва бошқа сизнинг севимли гуруҳларингиз, таниқли хонандалар бўлишади. Биз билан бирга бўлинг.**

**"Туркистон" мухбири Зиёда АШУРОВА суҳбатлашди**

---

**Умр — оқар дарё...**

# УНУТМА, СИНФДОШ...

***"Ҳурматли синфдош!***
**Сизни 24-мактабнинг 1975 йилги битирувчиларининг 25 йиллик учрашувига лутфан таклиф этамиз.**
***Эҳтиром билан: СИНФДОШЛАР"***



Ана шундай таклифнома олганларни қадрдон мактаб ёз чилласида собиқ ўқувчиларини яна ўз бағрига чорлади.

Бир қаватли, шинам, оддийгина иморат. Бир вақтлар шу бино ўқувчиларнинг мурғак нигоҳларида ҳашаматли ва гўзал бўлиб кўринган. Ҳаётларининг унутилмас ва масъум дамлари кечган. Ҳа, умр — оқар дарё, деб бежиз айтмайдилар. Бу улуғ даргоҳдан катта ҳаёт қучоғига йўлланма олганларига ҳам 25 йил тўлибди.

Ҳаммаларини илк сабоқ олган синфлари ўзи томон оҳанграбодай тортарди. Яна ўша вақтдагидек парта талашиш бошланди! Синфларга ёшлик ҳавоси қайтадан оқиб киргандай бўлди. Бу ерда албатта, яна синфкомнинг қатъий тартиби, танбеҳи зарур:

Синфдошлар талаб қилишди:
— Собиржон, чиқ, ўзинг!

Ўрни келганда ҳамманинг дилидаги гапни топиб айтиш ҳам катта маҳорат. Собиржон шошмасдан сўзлади, синф жимжит. Улар бу даргоҳда ўтган устозлари, шу кунларга етолмаган Раҳбаров Шукур, Тўлахўжаев Саидмаъруф, Ҳафизова Дилбар, Ваҳобова Шоира каби синфдошлари хотирасини Қуръон тиловати ила ёд этдилар.

Синфдошлар гурунги мактаб билан қўшни Ғофуржон хонадонида тўкин дастурхон атрофида янада авжига чиқди.

Ҳамма бирдек шод, қий-чув. Бу эса синфда ўқитувчи йўқ пайтидаги ҳолатни эслатарди.

**Комилова ФАРИДА:**
— Баъзи синфдошлар билан 25 йилдан бери учрашмаганмиз. Мана, Холида, Муножот, Муфлиҳа, Зуҳралар билан бугун кўришдик.

— **Норкўзиева ГУЛНОРА:**
— Синфдошларимиз ичида боболару, бувилар ҳам бор энди! Савлатлари ҳам бошқача. Аммо феъл-атворлари назаримда ўзгармагандек. Ё бизга шундай туюлармикан-а?

Яна... яна улар жуда кўп нарсаларни эслашди: Баҳромнинг уколдан қўрққани-ю, Ферузнинг жудаям ўзгариб кетгани, Собирнинг беэътиборлиги... Хуллас ҳеч нарса уларнинг назаридан четда қолмади.

Синфдошлар давраси ана шундай. Беғараз, беғубор. Бу давранинг алоҳида ўрни, ўзига хослиги бор. Одамлар бир-бирларини "синфдошим", деб эъзозласалар, "синфдош" деганда юзларида меҳрли табассум балқиса қандай яхши!

Доимо омонликда кўришайлик, синфдош!

**Бахтиёр ҲАЙДАРОВ, журналист**



Абдуғани ЖУМАЕВ олган суратлар

---

**Мактубларим**

# ИЗҲОР

Тун. Атрофни қоронғулик қамраб олди. Юлдузлар шивир-шивир қилиб, нималарнидир сирлашяпти. Сукунатнинг мунгли қўшиғи майсаларни ғафлат уйқусига чорламоқда. Боғдаги ғунчаларнинг аста-секин ёруғлик сари интилиши ойнинг заррин нурларини ерга силкийди. Шу фурсатда хаёлларим сен томонга талпинади.

Қани энди сен ёнимда бўлсанг. Ёнимда кимдир борга ўхшайди. Ҳа, билдим, атрофимда кезиб юрган сенинг ўй-хаёлларинг экан. Аслида сенинг барча қийноқларинг менга ҳузур бағишлайдику. Бу тун тонг отишини сенинг хаёлларинг билан кутаяпман. Мана юлдузлар ҳам сўнаяпти, ой эса кунга қўшилиб бораяпти. Лекин менинг қалбимда туғён уриб турган пок муҳаббат унлари дунёни чароғон қилаяпти, тонг яратаяпти...

**Отабек АСЛОНОВ**

---

Бахтли оила сири

# КУЁВ — ЁВМИ?

**Оилавий ҳаётдаги муҳим жиҳатлардан бири — қайнота ва куёв ўртасидаги муносабатдир. Ўзбекларда куёв ниҳоятда юксак даражада қадрланади. Куёв хонадонга келганида иззат-икром кўрсатилади. Хўш, куёвга нисбатан бу қадар эътибор ва эъзоз кўрсатилишининг боиси нимада? Қайнота ва куёв муносабатларида ҳамма билиши лозим бўлган қандай жиҳатлар бор?**

Ҳаётда кўнгилдагидек куёвнинг учраши оилага қанчалик шодлик ва бахт келтирса, орзудагидек қайнотанинг бўлиши ҳам куёвга шунчалик хурсандчилик келтиради. Сир эмас, баъзи оилаларда куёвга ёки келинга муносабат масаласи фақат аёлларнинг вазифасига айланиб қолган. Бунинг натижаси ўлароқ эркакнинг раҳбарлик таъсири сусайиб, ундай оила ғурбатнинг уясига айланмоқда. Баъзан қайнота-куёв ўртасидаги нохуш муносабатларини эшитиб суяк-суякларинг сирқираб кетади. Тан олмай иложимиз йўқ. Кейинги йилларда кишиларга доим ёрдам қўлини узатадиган, ўз зурриёдларининг кўркам маънавий дунёси билан фахрланадиган қайноталар камайиб бормоқда. Ўз фарзанди тақдири уланган куёвга нисбатан ўйланмай қилинган ҳар бир хато оғир оқибатга олиб келиши мумкин. Қайнота деган зот ҳар қандай оғир ҳолатда ҳам адолатли бўлиб, худбинлик, иккиюзламачиликдан тийилмоғи керак. Ҳар икки тараф муаммоларини ёлғиз ўзи "ҳазм" қилгани ва бу ҳақда ҳеч кимга оғиз очмагани маъқул. Шу ўринда куёвнинг қизи тўғрисида айтган гапларидан хотини ёки қизини тўғридан-тўғри хабардор қилмасдан, ёшларнинг оила муносабатида бирор зиддият чиқармайдиган чора топиши керак.

**ҚАРС ИККИ ҚЎЛДАН**

Ўзга ҳолатда хотини, қизи ва куёви ўртасида совуқ муносабатни юзага келтиради. Хотини ва қизининг куёвини узлуксиз ёмонлашларига эрк беравармаслиги лозим. Зеро, "хон тахтидан тўймайди, хотин бахтидан тўймайди", деган нақл бор. Аёллар табиатида эрдан (бахтдан) қониқмаслик ва оиладаги келишмовчиликларнинг бош сабабчиси қилиб доимо эрни кўрсатиш истаги кучли бўлади.

**БИРИ КАМ ДУНЁ**

Шундай топда ирodaси заиф қайнота оиладаги воқеаларни тўғри англаб-англамай ҳамиша қизи томонда туриб куёвга хуруж қилавериши ҳам мумкин. Бу қизнинг қисматида рўй берган кўнгилсизликлар учун қарс икки қўлдан чиқишини билмаслигидир. Аслида ҳам оиладаги қўйди-чиқдиларнинг асосий сабабчилари кўп ҳолларда аёллар бўлиб чиқадилар. Бироқ эрлар жабрини тортади. Оилада эр-хотин ўртасида бўлиб турадиган жанжалларнинг барчасини бахтсизликка йўяверish тўғри бўлиб чиқавермайди. Асл бахт кейин юзага чиқиши ҳам турмушда кўп кузатиладиган ҳодиса. Шу маънода қайнотанинг бўлар-бўлмасга қизининг оиласига ноўрин аралашавериши одобдан бўлмайди. Ўйламай хулоса чиқариш, шошқалоқлик можарони авж олдиришдан бошқа нарсага хизмат қилмайди.

Баъзи ҳолларда "Ота"лар қизларининг турмуши бузилиб кетишига асосий сабабчи бўлиб қолмоқдалар. Улар қизларига тўғри тушунча бермай, аксинча салбий таъсир этадилар. Маънан баркамол ва иқтидорли инсонлар жуда камдан-кам ҳоллардагина бир-бирларини топадилар ва турмуш қурадилар. Бири кам бу дунёда икки яхшининг бир ёстиққа бош қўйиши кўп кузатилмайди. "Бир яхшига бир ёмон, ҳар ерда бор, ёр-ёр, икки яхши бир бўлса кун қайда бор, ёр-ёр". Бас, шундай экан, оилада "сен менинг тенгим эмассан" дейишлар идроксизликдан, манмансирашдан бўлак нарса эмас. Аччиқ бўлса-да тан олиб айтишимиз керакки, бундай нохушликнинг ташкилотчиси аксарият ҳолларда аёлларимиз бўлиб қолмоқдалар. Кўча-кўйларда ўзига ортиқча эрк бериб юборишлик, топган пулини миннат қилишлиги эр-хотин ўртасидаги меҳрни совутмоқда. Оила бузилса, Арши аълони титроқ тутармиш. Ҳаётга ҳақиқат кўзи билан қараган маъқул.

**КУЁВ ЎҒИЛ ЭМАС**

Оиланинг барбод бўлишидан икки шахснинг маънан ва жисмонан азият тортиши табиий. Эркак (ота, қайнота, эр, куёв) ҳаётнинг бу нозик томонларини ҳам назардан қочирмасликлари лозим. Акс ҳолда бутун авлод шаъни булғаниши мумкин. Куёв аслида қайнота хонадони учун номус ҳимоячисидир. Куёвга яхшилик қилиш деганда уни ош дамлаб сийлаш ёки ҳар кўрганда қучоқлаб "ўғлимсиз" деган ҳавойи, тантиқ қилиқлар англашилмайди. Куёв — ўғил эмас. У ўз номи билан куёв. Куёвни ўғилга айлантириш, унинг қадр-қимматини пасайтириш ҳисобланади, холос. Куёвга ўғилдек эмас, куёвга хос муносабат керак.

Ана шунда у ёв бўлмайди. Иззатини топади.

**Муҳаммаджон АҲМЕДОВ**

**АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!**

Сизларни энг улуғ ва энг азиз байрам — Ўзбекистонимизнинг Мустақиллик куни билан чин дилдан қутлаймиз!

Мамлакатимиздаги иқтисодий ислоҳотларни изчил амалга оширишда Сизларга куч-қувват тилаймиз!

**Қашқадарё вилояти Усмон Юсупов тумани 134-очиқ ҳиссадорлик жамияти.**

# БОШҚОТИРМА

***Ушбу бошқотирмада республикамизда чиқадиган 27 газетанинг номи яширинган.***

| | | | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Р | Х | У | И | Я | Т | М | У | Л | В | А | Н | М | Р | И |
| Е | С | Р | Р | Т | У | К | Ў | К | Д | Т | А | А | Ъ | Ф |
| Ж | П | У | Н | О | Р | К | З | Г | О | П | · | Д | Т | А |
| А | Р | Б | Л | Т | С | И | С | У | Р | О | С | А | Г | У |
| И | Ч | З | И | К | Ё | Д | А | С | Р | Т | И | Й | Ч | Л |
| М | К | А | Т | А | З | О | И | П | О | О | Н | Ҳ | Е | А |
| А | О | В | А | Д | У | В | Ч | Н | У | Р | Х | Р | А | Ф |
| Х | А | Л | Р | А | В | А | Ҳ | У | Қ | Л | О | А | Н | Д |
| А | Д | Л | А | К | Ч | Т | А | Қ | У | И | С | Л | А | И |
| Л | О | А | Х | А | И | П | Н | А | Р | С | А | В | Р | Т |
| А | Т | Н | Ч | Б | Ф | А | Р | В | Р | Г | О | Д | С | А |
| И | Ш | О | Р | А | И | Д | О | К | О | А | Р | В | И | Р |

**Тузувчи: Шодиёр УРМАМАТОВ**

**"HIFZUHUMAA" Co LTD сизларни қуйидаги курсларга ўқишга таклиф қилади:**

* тикиш-бичиш (барча йўналишлари) — 3, 6, 11 ой
* тўқувчилик (спицада ва кручокда) — 2 ой
* инглиз тили (бошланғич ва давом этувчи) — 3 ой
* рассомлик (бошланғич) — 2 ой
* каштачилик (қўлда) — 2 ой.

Бизнинг манзилимиз: Навоий кўчаси, 11 (Ўрда).

Тел.: 41-04-16, соат 10 дан 18.00 гача.

Республика ёшларининг "Камолот" жамғармаси биноси 2-қават, 18-хона.

**Ўқишни тугатганларга гувоҳнома берилади. Ўқувчиларнинг ёши чегараланмаган.**

# СИЗ СЕВГАН ҚЎШИҚ

**Замонавий ва мумтоз қўшиқлар хит-паради:**

Хит-парад мухлисларнинг хатлари, қўнғироқлари асосида белгиланди.

Ўтган 15 кунда ўринлар қуйидагича тақсимланди:

*5. "Хўжа" гуруҳи: "Муҳаббатимсан"*
*4. Хуршид Расулов: "На сизга ёр, на бизга ёр"*
*3. "Сетора" гуруҳи ва Равшан Собиров: "Хайр, мактаб".*
*2. Юлдуз Усмонова: "Кўркаман"*
*1. Озода Нурсаидова: "Кетма".*

**Қўшиқсевар ёшлар!** Сиз севган хонанда, сиз севган қўшиқ юқори ўринлардан жой олишини истасангиз, бу ҳақда бизга маълум қилинг.

**Телефонлар: 133-79-69; 144-02-24.**

Хатлар учун манзиллар: Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32. "Туркистон" газетасига ёки

Тошкент-11, Навоий кўчаси, 69. "Ассалом, Ўзбекистон!" бош муҳарририятига деб ёзинг.

**Мактубларингизни кутамиз!**

**«КАМОЛОТ-KOMPYUTER» БИЗНЕС МАКТАБИ**
**ҚУЙИДАГИ ЎҚУВ КУРСЛАРГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ:**

- ҳисобчилар, компьютер таълими билан бирга;
- инглиз тили (бошловчилар ва давом этувчилар учун);
- болалар учун инглиз тили;
- банк иши ва компьютер.

- замонавий бухгалтерия ҳисоби;
- банк иши;
- компьютерда ишлаш таълими, дастурлаш тиллари; (WINDOWS'95, MS OFFIS'95, ЭЛЕКТРОН ПОЧТА);
- профессионал видеокамера операторлиги;

- 1С: бухгалтерия дастури билан ишлаш таълими;
- INTERNETга ўқитиш.

Курсларни тугатгандан сўнг диплом берилади.

**Манзилимиз: Тошкент ш. Навоий-11, 39-хона ("Камолот" республика ёшлар жамғармаси биноси).**

**Тел.: 41-39-74, 38-48-30.**

**Туркистон**
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ

**Бош муҳаррир Салим АШУРОВ**

**Таҳрир ҳайъати:** Ҳотам АБДУРАИМОВ, Ғайрат ШОУМАРОВ, Лайло КАРИМОВА (Бош муҳаррир ўринбосари), Авазхон СОДИҚОВ, Анвар ЖАББОРОВ, Насриддин МУҲАММАДИЕВ, Бахтиёр ШОҲИСМОИЛОВ (масъул котиб), Шоазим МИНАВВАРОВ, Ғаффор ҲОТАМОВ, Комил ЮСУПОВ

**Манзилимиз:** 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Мухбирлар 133-95-97
Хатлар бўлими 133-79-69

Навбатчи муҳаррир Сайфулло ТОҒАЕВ

Таҳририятга юборилган материаллар қайтарилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси**
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41
Буюртма Г. — 610.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00012.
Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А-2.
Босишга топшириш вақти-20.00
1 2 3 4 5 6